

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ЙЎНАЛИШ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КРЕАТИВЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.51.37.015>

*Жуманиёзова Муҳайё Тожиёвна,
педагогика фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети*

Аннотация. Мақолада креативлик тушунчаси, ўқитувчининг касбий креативлигини ривожлантириши бўйича олиб борилган тадқиқотлар, таълимнинг анъанавий ва креатив йўналишларининг қиёсий таҳлили, касбий креативликнинг мезонлари, психогимнастик машқларни креативликни ривожлантиришидаги аҳамияти, малака ошириш таълими жараёнида ижодий ривожланаётган таълим маконини яратиш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: креативлик, муаммоли, мақсадли курслар, таълим мазмуни, ўқув жараёни, ихтирочилик масалаларини ечиш назарияси, креативлик мезонлари

МЕТОДЫ И СРЕДСТВА ФОРМИРОВАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ТВОРЧЕСТВА УЧИТЕЛЕЙ СОЦИАЛЬНЫХ И ГУМАНИТАРНЫХ НАУК В ПРОЦЕССЕ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ

Аннотация. В статье рассматриваются понятие творчества, исследование развития профессионального творчества учителей, сравнительный анализ традиционных и творческих направлений образования, сравнительный анализ профессионального творчества, сравнительный анализ профессионального творчества, возрастной анализ профессионального творчества, анализ профессионального творчества. креативность.

Ключевые слова: творчество, проблемные, целевые курсы, содержание обучения, учебный процесс, теория изобретательства, творческие критерии.

METHODS AND MEANS OF PROFESSIONAL CREATIVITY OF TEACHERS OF SOCIAL SCIENCES AND HUMANITIES IN THE PROCESS OF PROFESSIONAL DEVELOPMENT

Abstract: The article examines the concept of creativity, a study of the development of teachers' creativity, a comparative analysis of creativity and creativity in education, a comparative analysis of professional creativity, an age analysis of professional creativity, an analysis of professional creativity. creativity.

Key words: creativity, problematic, target courses, training content,

educational process, theory of invention, creative criteria.

Креативлик тушунчаси ва унинг илмий адабиётлардаги таҳлили хусусида

Креатив тафаккур-жамият тараққиётининг индустриал, постиндустриал, илмий-техник инкилоблар ва кескин ўсиш даврида шаклланган ҳамда замонавий техник тараққиётнинг янги босқичларини инсон заҳиралари билан бойитиш учун хизмат қиладиган шахснинг ноанъанавий фикрлаш қобилияти ва тафаккури ҳисобланади.

Креатив тафаккур фақат баъзи бир инсонларга хос алоҳида инъом этилган ғайри оддий тафаккур, ўзини тутиш қобилияти эмас. Креатив тафаккур – ақлнинг пешқадамлиги, тезликда қарорлар қабул қилиш, қарорлар қабул қилишдан чўчимаслик, иш вазифаси ва соҳасига содиқлик, тафаккурнинг эгилувчанлиги, ноанъанавийлиги, ностандарт қарорлар ва ечимлар қабул қилишдан чўчимаслик, онг, тафаккур ва ақлни барча йўналишларида истикболни кўриш ва англашга ўргатиш, прогноз қила олиш каби хусусиятларининг мақсадли тарбияланиши ва шакллантирилишига боғлиқ педагогик жараён дир.

Замонавий таълим жараёни эмоционал хусусиятга эга бўлиб, қадриятларни ўзлаштиришга, шахснинг ижтимоий ва табиий муҳитга мослашишини таъминлашга, шунингдек, ўзи-ўзини англаш ва шахснинг маънавий салоҳиятини очиб беришга қаратилган бўлиши керак. Бу, ўз навбатида ўқитишнинг мазмуни ва технологияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади (К.Л.Абульхановой-Славской, В.В.Анисимова, А.М.Арсеньева, Ю.Н.Бабан-ский, Л.И.Божович, Е.В.Бондаревской, А.А.Вербицкий, М.А.Галагузов, П.Я.Гальперин, В.В.Давыдов, В.И.Загвязинский, В.С.Кузина, А.Маслоу, Г.Олпорт, К.Роджерс ва б.).

XX-асрнинг 2-ярмидан бошлаб креатив педагогика, таълимда креативликни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган Д.Б.Богоявленская, Ч.К.Борисов, А.В.Брушлинский, Н.Ф.Вишнякова, М.С.Каган, А.Т.Ковалев, А.Д.Лук, А.М.Матюшкин, Я.А.Пономарев, В.Г.Рындак, И.Э.Стрелкова ва бошқа олимлар ишларида репродуктив педагогика воситасида ўқитиш жараёнида тайёр билимларни бериш ғоясини рад этган ҳолда янги – ижодий психологик-педагогик ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилди.

Таҳлил этилган илмий тадқиқот ишларида креатив салоҳиятни комплекс, яъни структуравий-функционал таҳлил қилиш билан бир қаторда муаммонинг қуйидаги жиҳатлари ҳам ўрганилган: касбий креативлик, касбий ривожланишнинг психологик-педагогик асослари (А.В.Брушлинский, И.С.Кон, И.Н.Семенов, С.Ю.Степанов); таълим субъектларининг ўзаро таъсири ва самарали алоқаси (А.А. Бодалев, Л. С. Выгоцкий, А. Г. Ковалев, Б. Ф. Ломов); креатив салоҳият ва креативликни ривожлантириш, коммуникатив компетенция ва

коммуникатив маданиятни тарбиялаш (Эд.Де Бо-но, М.С.Каган, Р.Крачфилд, А.М.Матюшкин, А.Л.Петровская, Е.Торренс, М.Уоллах); креативлик диагностикаси (Д.Б.Богоявленская, Н.Ф.Вишнякова, Дж.Гилфорд, Л.Б.Ермолаева-Томина, Е.Торренс, Н.Б.Шумакова, Е.И.Щебланова) .

Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда асосий эътибор креативликнинг умумий жиҳатларига қаратилган бўлиб таълимнинг ҳар бир турида креативликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, методикалари, воситалари ва шарт-шароитлари алоҳида тадқиқ этилмаганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Олий таълим муассасалари ижтимоий-гуманитар йўналиш ўқитувчиларининг креатив салоҳияти ва ижодкорлигини ўрганишнинг қуйидаги долзарб сабаблари мавжуд:

- “креативлик” тушунчасининг ўзи, олий таълим тизимида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларда креативликни шакллантириш жараёни, шунингдек, ўқитувчининг креатив салоҳияти тузилиши билан боғлиқ масалалар назарий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаган;

- олий таълим тизимида эркин фикрлайдиган ва ташаббускор педагог кадрларни шакллантиришнинг зарурати, чунки ижодкор ўқитувчигина ижодкор талабани тарбиялай олади.

Олий мактаб ўқитувчисининг креативлигини шакллантириш муаммоси нафақат илмий, балки ижтимоий муаммо деб ҳисобланади. Чунки ўқитувчи жамият ва ишлаб чиқаришдаги туб ўзгаришларни амалга оширишга қодир бўлган ўзига хос менталитетга эга шахс, ўқитувчи-инноватордир. Бу борада ўқитувчи нафақат интеллектуал ижод ва ижтимоий соҳасида креатив қобилиятларни ўрганиш воситаси бўлиб хизмат қилади, балки ижодкорликни бевосита ривожлантириш учун янги технологиялардан фойдаланиши талаб этилади.

Креатив тафаккур ўқитувчининг педагогик фаолияти давомида шаклланиб, ривожланиб борадиган жараён бўлиб, уни ривожлантиришда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим турининг алоҳида ўрни мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши ушбу таълим турининг норматив ҳужжатлари ва ўқув-методик базанинг шаклланиши учун асос бўлди .

Малака ошириш тизимида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, малака ошириш курслари шакллариининг хилма-хиллиги унинг самарадорлигини тўла таъмин эта олмайди, бу борада курснинг мазмуни асосий роль ўйнайди. Раҳбар ва педагог ходимларни қайта

тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ташкил этиладиган муаммоли, мақсадли курсларни ташкил этиш малака оширишнинг асосий шакллари сифатида келтириб ўтилган.

Муаммоли курс-педагогикадаги ёки таълим жараёнидаги муаммони ҳал этиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма ва малакаларни янгилаш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этиладиган малака ошириш шаклларида бири бўлиб, бу курсларда асосан педагогик тадқиқот методларини эгаллаган, ижодий фаолият юрита оладиган, тажриба-синов ишларини режалаштириш малакасига эга бўлган, таълим-тарбия масалаларини ҳал қилишда янгилик яратиш малакаси шаклланган педагоглар иштирок этиши мўлжалланган.

Мақсадли курс-таълим-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги ўқув дастурлари ва ДТС, рейтинг тизими, таълим соҳасидаги ислохотларни амалиётга татбиқ этиш, ўқув дастурларига янги мавзулар киритилиши, чуқур ўрганиладиган фанларни ўқитишда самарали метод ва воситаларнинг жорий этилиши муносабати билан ташкил этилади. Малака оширишнинг ушбу шаклларида профессор-ўқитувчиларда касбий креативликни ривожлантиришнинг асосий шакллари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Д.Гильфорднинг фикрича “Креативлик ривожлантириладиган маҳорат ва бошқариладиган жараён сифатида креативлик билим асослари, интизомни ўрганиш ва ижодий фикрлаш маҳоратидан бошланади. Креативлик мавжуд муаммоларнинг янгича ечимлари излаб топиш ҳисобланади” .

Олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида креативликни ривожлантиришнинг баъзи мезонлари куйидагилардан иборат:

ўз тафаккурингизни оригинал ечимлар топиш ва уларни тарғиб қилишга чақиринг, янги ғояларни ишлаб чиқишга ўзингизни мажбурланг;

бошқа инсонлар сиз тўғривизда нотўғри тушунчага боришидан чўчиманг;

кенг мушоҳада этиш, анъанавий бўлмаган усуллардан фойдаланиш, ўз тафаккур тарзи, миллий менталитет ва стереотиплар қобиғидан чиқиб кетишга урининг;

агар биринчи тажрибангиз муваффақиятсиз бўлса ҳам, ўз тажрибаларингиздан воз кечманг, ноанъанавий усулларда фикрлашни давом эттиринг, масала ечимининг бошқа вариантларини топинг, бошқа йўللارни қидиришда давом этинг;

дискуссия ва баҳс учун доимо очик бўлинг, баҳсни ўзингизга қаратилганлигига ишонманг, баҳсни тўғри ташкил қилинг, ўз фикрларингизни баҳс жараёнида назорат қилиб боринг;

англашилмасиз ва тушунармасиз нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилинг;

анъанавий усулларда фаолият олиб боришдан воз кечинг, янги

усулларда ишлашга уриниб кўринг;

янги ғоялардан кўркманг, уларни кенг қўлланг;

ғоялар таҳлилида муҳокама объекти бўлишга ҳаракат қилинг, мазкур ғоялар сизга эмас, балки бошқа одамга тааллуқли деб билинг, бу ҳолат сизнинг объектив қарор чиқаришингиз учун ёрдам беради.

Креатив тафаккур уни субъекти бўлган шахсга тааллуқли бўлган маълумпрофессионалтажриба, билимва малакаларнинг тарбияланганлик даражасини талаб этади. Замонавий менежментда креатив тафаккур амалиётини билдирувчи маълум тизим шакллантирилган:

Аналитик таҳлил жараёни - Тайёргарлик. Ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш. Мавжуд аҳвол таҳлили, ахборотларни умумлаштириш, кўрсаткичларни таққослаш.

Концентрация жараёни – муаммо атрофида ақлий салоҳиятнинг мужассамлашуви, маълум фактлар, улар системаси таҳлили. Ақлий салоҳият етишмовчилиги жараёнидан ўтиш. Мазкур жараённи босиб ўтишга интилиш. Онг фаоллигининг дам- бадам кўтарилиши ёки пасайиши. Инсоннинг муаммо таҳлиliga берилиши, натижада турли янги ностандарт ғояларнинг туғилиши ва шаклланиши.

Ғоялар инкубацияси жараёни – ақлий концентрация жараёнида юзага келган барча мавжуд ғоялар онг ортига ўтиб, улар мудроқ ҳолга келтирилади. Тафаккур қилиш жараёнида улар методологик асосларда қайта таҳлилдан ўтказилади ва гуруҳланади. Шахсий цензура янги ғояларнинг барчасини ахлоқий-маънавий ва қадриятлар нуқтаи назаридан назоратдан ўтказилади.

Ғоялар қидириш йўлидаги паст-баландликлар, тўлқинли тараққиёт жараёни – ғоялар таҳлили амалга оширилганда инсон тафаккури ўзини тинч ва осуда тутмайди, балки турли кескин ҳаракатларга мойил бўлади. Шу боис, одам бирданига бир мавзуга, салдан кейин бошқа бир мавзуга ўтиб кетади. Бу инсон тафаккурида кечаётган онг оқимларининг фаолияти ҳисобланади. Бу жараённинг натижаси сифатида – сўнги қарор пишиб етилади.

Анализ ва синтез жараёни – креатив тафаккур фаолияти натижаларини таҳлил қилиш жараёни. Мантиқий таҳлил жараёни. Бу даврда пишиб етилган барча ғоялар яхлитлик ва умумийликда таҳлилдан ўтказилади. Ҳамда креатив тафаккур меҳнатининг натижаси сифатида сўнги қарор қабул қилинади.

Креатив тафаккурнинг амал қилиш ва иш олиб бориш услубиятига доир қарашлар унинг узоқ давом этишини эмас, балки қанчалик мураккаб жараён эканлигини, шу билан бирга тезлик билан амалга оширилишини аниқлатади. Кўпчилик креативликни – нарса ва ҳодисаларни янги, аввалги ҳолатларга ўхшамаган тарзда кўра билиш, англаш, муаммо ечимлари юзасидан яхлит қарор қабул қилиш қобилияти сифатида тушунади. Креативлик шаблонлар (ечимнинг аниқлиги ва чегараланганлиги, турли муаммоларга бир хилдаги ёндашув, муаммоларнинг ички моҳиятини кўра билмаслик ва тан олишдан воз кечиш) ва анъанавий қабул қилинган

услуглар асосида фикрлаш қабилитига батамом тескари бўлган усул ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда малака ошириш курсларидаги таълимнинг анъанавий ва креатив хусусиятларига оид қиёсий тавсифини келтириб ўтамиз:

1-жадвал

Таълимнинг анъанавий ва креатив хусусиятлари қиёсий тавсифи

№	Таҳлил йўналишлари	Анъанавий йўналиш	Креатив таълим йўналиши
1.	Мўлжал олиш	Стандарт билимларга асосланади	Вариативликка асосланади
2.	Ўрганилаётган ахборотнинг таркиби	Билиш жараёни тайёр таклиф этилган билимларни ўзлаштиришга қаратилган	Альтернатив, ўз ғояларини яратиш ва асослаш, исботлашга йўналтирилган
3.	Билиш жараёни	Стандарт билимларни ўзлаштириш, яъни бошқа бировнинг тажрибасига асосланиш	Билимни ўзи учун қайта кашф этиш, амалий малака ҳосил қилишга асосланади
4.	Фикрлаш тури	Мантиқий, конвергент	Креатив, конвергент ва дивергент
5.	Натижа	Режалаштирилган билимлар	Эҳтимолликлар, ноаниқликлар орқали тажриба орттириш
6.	Субъект-объект муносабатлари	Тингловчи (инсон)-ўрганишнинг манбаи	Тингловчи (инсон)-билим ва ижодкорликнинг субъекти
7.	Технологиялар	Репродуктив-имитацион	Муаммоли, когнитив-эвристик, креатив, арт-технологиялар
8.	Ўқитувчининг вазифаси	Таъсир ўтказиш, билим бериш, бошқариш	Ўзаро ҳамкорлик, кузатиш, бошқариш, ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш
9.	Оқибатлари	Академик билим, тезаурус, тизимлаштириш	Муваффақиятга эришиш кўникмаси, ўз келажагини яратиш мотивацияси

Педагогик тажриба-синов ишлари жараёнида малака ошириш курсларида тингловчилар томонидан креативликни намоён этиш учун шарт-шароитларни яратишга интилишни ҳисобга олиб, фикрлаш ва креативликнинг инновацион усуллари бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида семинар-тренинглар ташкил этилди. Педагогик тажриба-синов дастурининг асосий мақсади тингловчиларда қуйидаги кўникмаларга ривожлантиришга қаратилди:

потенциал муаммоларни аниқлаш кўникмаси;

ақлий ҳужум жараёнида ғояларни яратиш ва ғояларни тўғри, тушунарли изоҳлаш кўникмаси;

муаммоларни ҳал қилиш учун инновацияларни киритиш, ғояларни киритиш кўникмаси;

энг самарали ва ҳаракатдаги иш муҳитини яратиш учун креативлик ва инновациялар аҳамиятини тан олиш кўникмалари.

Психогимнастик машқлар ўз тури ва ўтказилиши хусусиятига кўра мослашувчан сифатга эга бўлиб, мақсадли ва муаммоли курслар доирасидаги тренингларда гуруҳнинг таркиби, қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, турли мазмуний йўналишдаги модуллар кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Биз тренинглари ўтказиш тажрибасидан келиб чиқиб, мутахассис педагог-психологлар томонидан турли касб вакиллари, талаба ва ўқитувчилар билан ўтказишга мўлжалланган креативликни шакллантирувчи бир қатор психогимнастик методлар, усуллар ва машқларни семинар-тренингларида қўлладик.

Тажриба-синов дастурларини амалга оширишда тингловчиларида мустақил фикр юритишга эҳтиёжни юзага келтириш, уни англаш ва ривожлантириш мақсадида а) муаммоли вазият; б) ноаниқлик; в) қарор қабул қилиш; г) қатъийлик мезонларига асосланган ўқув муҳитини юзага келишига ҳаракат қилдик ва жараёнда қуйидаги машқларни қўлладик.

Масалан, “Нима янги?” машқи. Мустақил фикрлашнинг баъзи механизмларини, хусусан, мавжуд ахборотлар ўртасидаги алоқадорликни кидириш, умумлаштириш, таваккал қарор қабул қилиш сифатларини шакллантириш учун қўлланилади. Тингловчиларида оддий предметларнинг қутилмаган сифатларини очиш сўралади: полиэтилен қопқоқ, михлар, музқаймоқ ва ҳ.к. Нисбатан қутилмаган, турли хил, кўп сонли хусусиятлар алоҳида таъкидланади. Бунда предметларнинг ички сифатларини аниқлашга алоҳида аҳамият қаратилади. Масалан, гугурт нафақат ёнади ва ёритади, балки ёниш натижасида унинг ҳажми ва оғирлиги камаяди. Сув суюқлик, бироқ у музлаганда қурилиш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин ва ҳ.к.

“Номаълумга калит” деб номланган машқ. Савол бериш санъатини ривожлантириш учун қўлланилади.

Йўриқнома: Мутлақо нотаниш объектнинг тасвири олдингида турибди, деб тасаввур қилинг. Унинг нималигини билиш учун сиз қандай саволлар берган бўлардингиз? Тингловчиларида сурат ёки фотосурат таклиф қилинади. Муҳими улар ташқи жиҳатдан қандайдир маълум предмет ёки ҳодисани эслатсин. Шу билан бирга у бир қанча қарама-қарши деталларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши, яъни унда нима тасвирланганини аниқлаш қийин бўлсин. Тушунарсиз объектнинг тасвирини аниқлашда қуйидаги саволлардан фойдаланса бўлади: Бу қандай ҳодисага тааллуқли? Нима ўзгараяпти? Унга нима таъсир қиляпти? Қандай хусусиятга эга? ва ҳ.к.

“Баҳолаш сўрови” – дастлаб нимани баҳолашни аниқлаш лозим: фикрлар сонини баҳолаш, иш самарадорлигини ошириш бўйича ҳаракатлар тўғрисида тасаввурни баҳолаш ва бошқалар.

World Cafe диалоги – очик ва осойишта муҳитда бизнес суҳбат технологияси. Қоида тариқасида, иштирокчилар маълум бир масалани муҳокама қилиш учун бир нечта давра столларига йиғилишади ва белгиланган вақтдан сўнг жадвалларни ўзгартиришади. Бундай тузилиш иложи борича мунозараларида қатнашишга имкон беради ва очик мулоқотни қўллаб-қувватлайди;

Расмлар (Э.Торренсинг “Тугалланмаган расмлар” тести мисолида) – гуруҳ аъзолари ўз фикрини аниқроқ йўналтириш ва умумий стратегик режани ишлаб чиқиш учун ўз ғояларини график тарзда тасвирлаб беришади .

Бу каби машқлар тингловчиларда креативликни ривожлантиради, нутқни ўстиради. Машқларни ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилган бўлиб, уларнинг изчиллигига ҳам эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ва тавсиялар

Ташкил этилган тренинглари, хусусан психогимнастик машқларнинг натижаси ўлароқ қатнашувчиларнинг тафаккуридаги ижодийлик, толерантлик, оригиналлик, муаммоли вазиятлардан чиқа олиш қобилиятининг ўсганлиги объектив кўрсаткичларда ҳам (уларнинг фаолияти натижаси кўринишида), субъектив баҳолар (экспертлар хулосаси) тарзида ҳам ўз тасдиғини топди. Ушбу машқлар ижтимоий-гуманитар йўналиш ўқитувчиларида қуйидаги креативлик сифатларини ривожланганлигини кўрсатди:

-ақлнинг пешқадамлиги – белгиланган муддатда кўпчилик ўйлаб ҳам кўришга улгурмайдиган муаммолар бўйича бир эмас, балки бир неча ечимларни кўрсата олиш ҳамда уларнинг барчасининг ўзига хос салбий ва ижобий томонларини асослаб бериш;

-тафаккурнинг эгиловчанлиги (гибкость) – жамиятда қабул қилинган ва анъанавий мавжуд бўлган, аслида “тўғри” деб ўйланган шаблон йўналишлар ва тамойилларнинг замонавий тараққиёт учун жавоб бера олмай қолганлигини англаш, янги йўналиш ва чораларни сезиш, уларни тафаккур қила олиш ва шакллантира билиш, ўз фаолиятини янгитдан кура олиш ва масала ечимининг янги йўналишларига ўзини сафарбар эта олиш;

-прогноз, башорат қила олиш – ўз соҳаси ривождаги истиқбол ўзгаришлар моҳияти, келиб чиқиши сабаблари ва юзага келиш муддатларини олдиндан англаш ҳамда мана шу соҳалардаги инқирозларнинг олдини олишга ўрганиш тафаккури; масалан, меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши ёки пасайиши, конъюктура, ёки бозорнинг ўзгариши ҳамда мазкур ўзгаришларнинг соҳага бўлган таъсири, нархларнинг кўтарилиши ва пасайиши в.б.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, малака ошириш курсларида креативликни ривожлантиришни бирданига тўртта йўналишда олиб боришни тавсия эамиз:

-ўқитувчиларни ўзида креативлигини ривожлантириш яъни инсонларни ривожлантириш;

- ўқитиш жараёнини, малака ошириш курси мазмунини ривожлантириш;

-малака ошириш таълими жараёнида ижодий ривожланаётган таълим маконини яратиш;

-ғоялар банкини яратиш. Энг самарали восита – бу тингловчилар тажрибаси билан боғлиқ бўлган фикрлар банки. Малака ошириш курсининг ҳар бир тингловчиси ҳар қандай ташаббусни таклиф қилиш ва уни ғоялар банкига юбориш имкониятига эга бўлиши лозим. Ғоялар банкидан фойдаланиш курс мазмунини такомиллаштиришга ва имкониятлар рўйхатини кенгайтиришга ёрдам беради.

Креативлик тафаккурни одатдаги фикрлаш йўлидан анча қизиқарли

бўлган ноанъанавий усулларга олиб келади, шу боис инсон тафаккурида оригинал қарорлар яратилади. Оригинал, уникал ва ноанъанавий қарорлар эса замонавий жамиятларни илғорлик, тараққиёт, иқтисодий такомил сари етакловчи куч ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти. <http://www.press-service.uz/uz/lists/view/1371>

2. Матюшкин А.М. Некоторые проблемы психологии мышления. «Психология мышления». / Сборник переводов с английского и немецкого под ред. А.М.Матюшкина. - М.: «Просвещение», 1965.

3. Морозов А.В. Формирование креативности преподавателя высшей школы в системе непрерывного образования. <https://www.dissercat.com/content/formirovanie-kreativnosti-prepodavatelya-vysshei-shkoly-v-sisteme-neprepryvnogo-obrazovaniya>.

4. Гилдфорд Дж. Три стороны интеллекта. Лекция, прочитанная в Стенфордском университете 13 апреля 1959 г. На русском языке опубликована в сборнике переводов «Психология мышления», под редакцией А.М.Матюшкина. – М.: Прогресс, 1965. – 534с. <https://nsportal.ru/blog/obshcheobrazovatel'nayaematika/all/2012/11/08/pedagogicheskaya-kreativnost-kak-vedushchiy> 24.12.2019

5 Эйхвальд О.И. Педагогическая креативность как фактор профессионального развития// Успехи современного естествознания.– 2013.–№10.–С.157-158; URL: <http://www.natural-sciences.ru/ru/article/view?id=33044> (дата обращения: 24.12.2019).

6. https://texts.news/innovatsionnaya-pedagogika_1332/kreativnost-kak-vajneyshaya-harakteristika-43566.html 24.12.2019